

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"QO'QON BIOKIMYO" AJ

Объявление

"QO'QON BIOKIMYO" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯЛАРНИ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҚАЙТА СОТИБ ОЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА

«QO'QON BIOKIMYO» AJ акциядорларининг 2024 йил 5 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорининг 3.1-бандига мувофиқ: (<https://openinfo.uz/ru/facts/68725/>)

«QO'QON BIOKIMYO» AJ акциядорлари ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилганда ҳамда мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида 3575 сўм бозор нарҳида қайтариб сотиб олиниши белгиланган.

Жамият томонидан олинадиган акциялар учун ҳақ тўлаш пул маблағлари кўринишида нақдсиз шаклда жамият ҳисоб-рақами орқали амалга оширилади.

Агар Сиз ўзингизга тегишли оддий акцияларни «QO'QON BIOKIMYO» AJ томонидан олинишига ижобий қарор қабул қилган бўлсангиз, яшаш жойингиз ҳамда қайтариб сотиб олиш бўйича талаб этиладиган акциялар сонини кўрсатган ҳолда ёзма мурожаатингизни «QO'QON BIOKIMYO» AJ манзилига юборишингиз сўралади.

Қўшимча маълумотларни олиш учун «QO'QON BIOKIMYO» AJга мурожаат этишингиз мумкин.

Манзил: Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Муқимий шаҳарчаси. 150700

Тел: 73-5154100, электрон почта манзили: kokandbiokimyo@mail.ru
(<mailto:kokandbiokimyo@mail.ru>)

жамиятнинг расмий веб сайти www.kokandbiokimyo.uz (<http://www.kokandbiokimyo.uz/>)

05.02.2024

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16684/>

Дата: 06.05.2026